

---

## СИЗГА ТАЪЗИМДАМИЗ, МУҲТАРАМ АЁЛ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан “Сизга таъзимдамыз, муҳтарам Аёл” лойиҳаси ташкил этилиб, маънавият ходимлари маҳаллалардаги кайвони онахонлар, опа-сингиллар ҳолидан хабар олмоқдалар.

Фарғона туманидаги “Саноат” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Раҳимахон Кенжабоева матонатли оналардан бири. Фарзандидан ёдгор бўлиб қолган Бибисорани чақалоқлигидан оқ ювиб, оқ таради, муносиб тарбиялаб вояга етказди. Биринчи гуруҳ ногирони, тўшакка михланган бу қиз 17 ёшга кирди. Онахон бор меҳрини унга бағишлади.

Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Маъсуджон Сулаймонов ҳамда тарғиботчилар мазкур хонадонда бўлиб Раҳима опани байрам билан табриклади. Оила аъзоларига ширин сўз айтиб, кўнгилларини кўтарди. Шунингдек, мазкур маҳаллада яшовчи, 1-гуруҳ ногирони Рисолатхон ая Аҳмадова, Бўстон маҳалласида истиқомат қилувчи Фотимахон Дадажонова, Боқияхон Аппоновалар хонадошидаги йўқловлар ҳам уларни беҳад мамнун этди.

Йўқловлар пайтида дуолар, миннатдорлик изҳорлари кўп бора айтилди. Мунгли кўзлар қувончдан порлади, бемор вужудларга куч-ғайрат кирди гўё.

Лойиҳа доирасида яна қатор хонадонларга борилди, совғалар улашилди, шеър-қўшиқлар ижро этилди. Бир сўз билан айтганда, қалбларга байрам кайфияти олиб кирилди.

Тадбирлар шаҳар-туманларда давом этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-07 17:41:03